



СУВ РЕСУРСЛАРИНИНГ МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИДАГИ СТРАТЕГИК АҲАМИЯТИ

Муминов Шерзод

Марказий Осиё Давлатлараро сув ҳўжалигини
мувофиқлаштириш комиссиясининг Илмий-ахборот маркази
ORCID: 0009-0003-9934-0119
shmuminov@yahoo.com

Аннотация. Мақолада сув ресурсларининг мамлакат иқтисодиётидаги стратегик аҳамияти, табиий ва иқтисодий хусусиятлари таҳлил этилган. Сув ресурсларининг озиқ-овқат хавфсизлиги, аҳоли бандлиги ва даромадини таъминлашдаги, шунингдек, саноат ва энергетикадаги ўрни ёритилган. Сув ресурсларининг мамлакат иқтисодиётидаги стратегик аҳамияти бўйича турли олимларнинг илмий қарашлари ва ёндашувлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: сув ресурслари, стратегик аҳамият, иқтисодий хусусиятлар, озиқ-овқат хавфсизлиги, урбанизация, виртуал сув.

СТРАТЕГИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ ВОДНЫХ РЕСУРСОВ В ЭКОНОМИКЕ СТРАНЫ

Муминов Шерзод

Научно-информационный центр Межгосударственной координационной
водохозяйственной комиссии Центральной Азии

Аннотация. В статье проанализированы стратегическое значение водных ресурсов в экономике страны, их природные и экономические особенности. Освещена роль водных ресурсов в обеспечении продовольственной безопасности, занятости и доходов населения, а также в промышленности и энергетике. Проанализированы научные взгляды и подходы различных учёных относительно стратегического значения водных ресурсов в экономике страны.

Ключевые слова: водные ресурсы, стратегическое значение, экономические особенности, продовольственная безопасность, урбанизация, виртуальная вода.

THE STRATEGIC IMPORTANCE OF WATER RESOURCES IN THE COUNTRY'S ECONOMY

Muminov Sherzod

Scientific-Information Center of the Interstate Commission for
Water Coordination of Central Asia

Abstract. The article analyzes the strategic importance of water resources in the country's economy, as well as their natural and economic characteristics. The role of water resources in ensuring food security, employment, and population income, as well as in industry and energy, is highlighted. The scientific views and approaches of various scholars regarding the strategic importance of water resources in the national economy are examined.

Keywords: water resources, strategic importance, economic characteristics, food security, urbanization, virtual water.

Кириш.

Сув ресурслари инсоният ҳаёти ва мамлакат иқтисодиётида алмаштириб бўлмайдиган табиий ресурс ҳисобланади. Аҳолини ичимлик суви билан таъминлашда сиёсий-ижтимоий аҳамиятга эга бўлса, саноат тармоқларида иқтисодий хавфсизликни, қишлоқ хўжалигида эса мамлакат озиқ-овқат хавфсизлиги, аҳоли бандлиги ва даромадини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва уларни бошқариш масаласи ҳар бир давлатнинг устувор мақсадларидан бири ҳисобланади. Шунинг сўнги йилларга кузатилаётган иқлим ўзгаришларининг салбий оқибатлар, сув танқислигининг кучайиши ва траншегаравий сув ресурсларини бошқаришдаги муаммолар сув ресурсларининг мамлакат иқтисодиётидаги стратегик аҳамияти янада ошишига сабаб бўлмоқда.

Адабиётлар шарҳи.

Иқтисодий назарияда сув табиий ресурс сифатида таснифланган ҳолда уни ер, тупроқ, ер ости бойликлари ва бошқар билан таққосланади. Иқтисодий ресурслар тизимида анъанавий меҳнат, ер, капитал, тадбиркорлик, илм-фан билан бир қаторда сув ҳам ўз ўрнини эгаллаган бўлса-да, кўпинча назарий жиҳатдан яхлит тадқиқот объектига айланмаган.

Жумладан, табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларнинг иқтисодиётдаги аҳамияти нуқтаи назаридан таниқли рус олими Данилов-Данильян (2006) ёндашувлари эътиборга молик, хусусан, унинг фикрича, сув – инсон фаолияти билан боғлиқ табиий ресурсларнинг энг муҳимидир ва у йиллик фойдаланиш ҳажми бўйича бошқа қазиб олинadиган ресурсларнинг жамига нисбатан анча юқоридир. Тадқиқотчи Гнипов (2012) сувни жамоавий ресурс сифатида тақсимланиш функциясига алоҳида урғу бериб, уни қуйидаги гуруҳларга ажратган: истеъмол предмети (бевосита сувнинг ўзи); ишлаб чиқариш жараёнлари амалга ошириладиган меҳнат воситаси (сув ресурслари); энергия манбаи (гидроэнергия).

Моддий ишлаб чиқаришда сувдан фойдаланиш нуқтаи назаридан сув ресурсларини Ер сайёрасидаги умумий сув захиралари билан тенглаштириб бўлмайди. Ваҳланки, сув ресурслари – бу захираларнинг бир қисми бўлиб, улар техник қулай, иқтисодий жиҳатдан эса жамият эҳтиёжларини қондиришга имкон яратади (Голуб, 1993).

Шу ўринда сувнинг табиий ресурс эканлигидан келиб чиққан ҳолда, умумий табиий ресурсларнинг иқтисодий қийматига тўхталадиган бўлсак, тадқиқотчи Гирусов (1998) томонидан берилган таъриф эътиборга молик, жумладан, унинг фикрича, табиий ресурсларнинг иқтисодий қиймати ва уни аниқлаш қуйидагиларга асосланиши лозим: бозор нуқтаи назаридан баҳолаш; рента; харажатлар бўйича ёндашув; муқобил қиймат; умумий иқтисодий қиймат.

Венициановнинг (2012) фикрича, сув ресурсларидан оқилона фойдаланишда юзага келаётган ўзгаришларнинг қуйидаги ҳаракатлантирувчи кучларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади: глобаллашув жараёнларининг кучайиши; иқтисодий ўзгаришлар; илмий-техник тараққиёт ютуқларини жорий этиш; маркетинг инновациялари; иқтисодий харажатлар; давлат сиёсати ва қонунчиликдаги ўзгаришлар; ноаниқлик ҳолатини камайтириш ва хатарлар.

Фикримизча, бу ерда асосий ўринни давлат сиёсати ва қонунчиликдаги ўзгаришлар эгаллайди ҳамда бу жараёнларни ҳаракатга келтирувчи ҳуқуқий ҳужжат бу янги қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Сув кодекси (2025) ҳисобланади.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган ёндашувларга асосланган ҳолда, фикримизча, сув – инсон ҳаёти ва мамлакат иқтисодиёти учун стратегик аҳамиятга эга, алмаштириб бўлмайдиган табиий ресурс ҳисобланади.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Дунё бўйича сув етишмаслиги мамлакатлар ва глобал иқтисодиёт ривожланишининг асосий муаммоси ҳамда барқарор ўсишни чекловчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Жумладан, 2002 йилда Йоханнесбургда бўлиб ўтган Барқарор ривожланиш бўйича Жаҳон саммитида сув етишмаслиги глобал барқарор ривожланишининг дунёдаги бешта муаммоларидан биринчиси эканлигининг қайд этилиши ҳам инсоният ҳаёти ва иқтисодий ривожланиши учун сувнинг ғоят муҳимлигидан далолат беради.

Сув ресурслари билан таъминланганликнинг халқаро таснифига кўра, сув ресурслари йилига одам бошига 500 м³дан кам бўлган ҳудудлар ҳаддан ташқари сув ресурслари танқис бўлган, 500 ва 1 000 м³ орасида – сув танқислиги, 1 000 ва 1 700 м³ – паст даражада сув билан таъминланган ҳудудлар, 1 700 м³дан юқори – сув билан таъминланлик тоифасига киради (1-жадвал).

1-жадвал

Сув ресурслари билан таъминланганлик таснифи

Кўрсаткич (м ³ /одам/йил)	Давлатларнинг сув билан таъминланганлик бўйича тоифалари
> 1 700	Сув билан таъминланганлик
1 000 – 1 700	Паст даражада сув билан таъминланганлик
500 – 1 000	Сув танқислиги
< 500	Ҳаддан ташқари сув танқислиги

Манба: (Falkenmark, Widsrand, 1992)

Халқаро тасниф бўйича Ўзбекистон Республикасида сув ресурслари билан таъминланганлик даражасини ҳисоб-китоб қиладиган бўлсак, ундан шуни кўриш мумкинки, агар 1990 йилда 3 149 м³/кишини ташкил этган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич 2,6 мартага камайган ва 1 207 м³/кишига (2024 йил) етган. Кўриниб турибдики, 1990 йилларда мамлакатимиз сув билан тўлиқ таъминланган давлат сифатида тан олинган бўлса, ҳозирда паст даражада сув билан таъминланганлик тоифасига тушиб қолган. Истиқболда сув танқислиги кутилаётган бир вақтда аҳоли сони ошишининг кузатилиши сув билан таъминланганлик даражасининг янада пасайишига олиб келади.

Бундай шароитда мавжуд сув ресурсларини оқилона тақсимлаш ва улардан самарали фойдаланиш, сув ресурсларини бошқариш тизимини доимий такомиллаштириб бориш ҳар бир давлатнинг устувор мақсадларидан бири ҳисобланади.

Сув ресурсларнинг мамлакат иқтисодиётидаги стратегик аҳамиятини уларнинг табиий ва иқтисодий хусусиятлари билан бевосита боғлаш мумкин (1-расм).

Сув ресурсларининг табиий хусусиятлари.

Сувнинг табиий хусусияти ресурс сифатида, биринчи навбатда, унинг *чекланганлиги* намоён бўлади. Ер сайёраси 1,5 млрд.км³ атрофида улкан сув ҳажмига бўлса-да, уларнинг атиги 2%и ёки 28 млн.км³ чучук, қолгани эса тузли сув ҳисобланади. Қайта тикланувчи чучук сувнинг йиллик захиралари унчалик кўп эмас, турли хил ҳисоб-китобларга қараганда, улар 41 дан 45 минг км³ оралиғида тебраниб туради (Librero.ru., 2011) ва бугунги кунда дунё бўйича унинг атиги 10%и мамлакатлар эҳтиёжи учун ишлатилади.

Шундай экан, сувдан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш тамойилларига тўлиқ амал қилинган тақдирда уларга туганмас, чексиз ресурс сифатига қараш мумкин. Бироқ ушбу тамойиллар бузилган тақдирда, вазият кескин ўзгариб кетиши ва чучук сув танқислиги кузатилиши мумкин.



1-расм. Сув ресурсларининг мамлакат иқтисодиётидаги стратегик аҳамияти ва унинг табиий-иқтисодий хусусиятлари билан ўзаро боғлиқлиги

Манба: муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

Иккинчидан, сув ресурсларининг *гидрологик хусусиятлари* – айрим йиллар бўйича сув ҳажмининг кескин ўзгариши, яъни бундай вазиятни сув кўп ва танқис йил деб аташ мумкин. Бундай ўзгаришларни Ўзбекистон Республикаси шароитида ҳам кузатиш мумкин ва бунга 2000-2001, 2008 ва 2011 йилларда, сувнинг кам бўлиши яққол мисол бўла олади. Жумладан, сув кўп бўлган йилларда, одатда, табиий офатлар юзага келади, сув танқис йилларда эса, асосан, суғорма деҳқончиликда салбий тенденциялар кузатилади.

Учинчидан, сувнинг *сифати ва ҳажми ўртасидаги боғлиқлик* хусусиятлари. Сувнинг сифати унинг фойдаланиш мумкин бўлган ҳажми билан аниқланади. Ваҳоланки, сув ҳажми ва сифати унинг баҳосини белгилайди. Демак, ушбу кўрсаткичлар уйғунлиги иқтисодиёт, жамият, сиёсат ва инсон ҳаёти билан бевосита боғлиқ.

Сувнинг бошқа табиий ресурслар ва экология билан боғлиқлиги. Маълумки, сув – ўзаро боғлиқ, ўзаро ҳаракатланувчи ва ўзаро алоқадор бир яхлит – Ер сайёрасини ташкил этувчи табиат ва атроф муҳит, шунингдек, инсоният, ўсимлик ва ҳайвонлар билан чамбарчас боғлиқ ер, ўрмон, экология ва бошқа табиий ресурсларнинг бир қисмидир. Шунингдек, сув экологик ресурс сифатида экология тизимида энг фаол омиллардан бўлиб, табиий энергиянинг асосий шакллантирувчиси ҳисобланади.

Тўртинчидан, сув билан таъминлаш манбаларининг турли хиллиги билан боғлиқ хусусиятлар. Бугунги кунда сув ресурсларидан фойдаланиш, асосан, оқар сув ва ер ости сувга бўлинади, шунингдек, оқова, денгиз, ер ости ва ёмғир сувларидан ҳам фойдаланилади. Бундай шароитда сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни ўзлаштириш, ушбу жараёнлар билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун турли хил

нархларни белгилаш ва сув бозорларини шакллантириш бўйича алоҳида ёндашувлар талаб этилади.

Сув ресурсларининг иқтисодий хусусиятлари.

Сув ресурсларининг иқтисодий хусусиятларида биринчи навбатда, устуворлик сув ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқига берилади ҳамда уни давлат ва бозор механизмлари асосидаги мулк ҳуқуқига ажратиш мумкин. Бугунги кунда кўпгина давлатларда сув ресурслари давлат мулки ҳисобланади. Зеро, сув ресурсларининг ўзига хослиги айнан шундай сиёсат юритишга сабаб бўлмоқда.

Сув бошқа табиий ресурсларга нисбатан сифат ва миқдор жиҳатдан узлуксиз ўзгариш хусусиятига эга. Бу эса, мулкчилик ҳуқуқини белгилашда қийинчиликлар туғдиради ва бозор механизмларидан фойдаланиш самарадорлигининг асосий зарурий шартларидан бири ҳисобланади.

Жумладан, Barlow (2007) ва Bakker (2007) фикрича, мамлакат сув ресурслари ва сув хўжалиги тизимини тўлиқ миллийлаштириш ҳамда баъзида нотижорат ташкилотлари иштирок этишига имкон бериш керак. Шунингдек, уларнинг асосий ғояси ҳар қандай ҳолатда ҳам сув хўжалигини фойда олишга эмас, балки сув ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқини амалга оширишга қаратилган бўлиши лозим.

Ваҳоланки, ҳукумат томонидан аралашув сув хўжалигининг суғориш тизимидан тортиб, то аҳолини сув билан таъминлаш устидан тўлиқ назорат қилиш имконини беради. Бироқ бундай давлат аралашуви кўп ҳолларда салбий оқибатларга олиб келади. Шу нуқтаи назардан, фикримизча, сув хўжалигини тўлиқ миллийлаштириш, яъни давлат тасарруфида қолиши, ушбу тизим билан чамбарчас боғлиқ тармоқларнинг (асосан, қишлоқ хўжалиги ва саноат) бозор тамойиллари ва механизмлари асосида ривожланаётган бир вақтда, самарали восита бўла олмайди.

Кўпгина иқтисодчилар, хусусан, Жаҳон банки эксперти Briscoe (1997) одатда сувни нормал иқтисодий бойлик деб ҳисоблайди ва бунинг учун бир қатор бозор механизми билан боғлиқ асослар мавжуд, жумладан сув чиндан ҳам ресурс бўлиб, унинг нархини, ҳажмини ва унга бўлган талабни аниқ ҳисоблаш мумкин.

Жумладан, McNeil (1998), Grimble (1999) ва Savenije (2002) тадқиқотларида сувнинг ўзига хос товар эканлиги ва унинг ўрнини босадиган нарсалар йўқлиги, сув бозорининг нафақат мавжуд сув ресурслари учун тўлов қобилятига эга талаб ва таклифни шакллантириш, балки улар сув бозорлари ривожланиш имкониятлари ва истиқболларини аниқлашда ҳамда истиқболда қуйидаги: сув ресурслари ва объектларидан фойдаланиш ҳуқуқи; экология; миллий ва сув хавфсизлиги, молиялаштиришнинг ўзига хослиги; трансчегаравий тартибга солиш билан боғлиқ муаммоларини ечишда муҳим аҳамият касб этиши каби масалалар кўриб чиқилган. Бундай ёндашув бозор муносабатлари ривожланган шароитда ўзини оқлаши мумкин.

Шу ўринда, 1992 йил 3-14 июнда Рио-де-Жанейрода Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг (БМТ) Атроф муҳит ва ривожланиш бўйича конференциясида “XXI аср кун тартиби” қабул қилинди ва унда сувнинг ижтимоий табиати аниқланди ва қуйидагича таъриф берилди: “Модомики, сув ижтимоий-иқтисодий ва стратегик неъмат сифатида суғориш тизимида сувдан фойдаланиш учун тўловнинг турли хил шакллари амалиётда қўллаб кўриш ва баҳолаш лозим”. Келажакда экологик омиллар ва харажатларни қоплашни назарда тутувчи иқтисодий воситаларни ишлаб чиқиш, шунингдек, реал суғорма деҳқончилик шароитидан келиб чиққан ҳолда сув истеъмолчиларининг сув истеъмоли учун ҳақ тўлашга тайёрлигини ўрганиш зарур (Рио-де-Жанейро, 1992).

Шунингдек, 1992 йилда Дублинда бўлиб ўтган “XXI асрда сув ва атроф муҳит ривожланиши” номли конференция қатнашчилари (Mei Xie, 2006) ҳам сув табиий ресурс эканлиги билан бир қаторда у энг муҳим хўжалик товарларидан бири эканлиги тўғрисида хулосага келишди.

Жумладан, айрим иқтисодчилар сувни иқтисодий неъмат сифатида бошқа товарларга ўхшаб нархга эга бўлиши ва бозор рақобати воситасида тақсимланиши лозим дейишса, бошқалари эса, сув инсониятнинг асосий эҳтиёжларидан бири бўлиб, уни баҳолаш ва бозор рақобати ёрдамида тақсимлаш мумкин эмас, деган фикрда.

Ҳақиқатдан ҳам, бозор рақобати воситалари билан аниқланган сув баҳоси унинг иқтисодий қийматини эмас, балки нархини кўрсатади, ваҳоланки, иқтисодиётда нарх ва иқтисодий қиймат ўртасида катта фарқ мавжуд (Perry, Rock, 1997). Кўриниб турибдики, сув – ўзига хос товар бўлиб, иқтисодий товар ва ижтимоий неъмат ҳисобланади.

Дарҳақиқат, бугунги кунда янги Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти, хусусан, сув ҳўжалигида бозор механизмларига асосланган ислохотларни амалга оширишда юқорида келтирилган дунё ҳамжамияти томонидан кенг оммага олиб чиқиладиган иқтисодий воситалардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Иккинчидан, *лойиҳалар қўлами ва молиялаштиришдан иқтисод қилиш* билан боғлиқ хусусиятлар. Сув, бир томондан, сақлаш мумкин бўлган ресурс ҳисобланади ва сув миқдорининг ўзгарувчанлигини бир текисда ушлаб туриш имконини беради. Аммо, бошқа томондан, катта ҳажмдаги молиявий маблағлар билан боғлиқ сувни сақлаш учун махсус сув омборларини ташкил қилиш талаб этилади. Бунда сув омборларидан олинadиган фойда омборлар ҳудудига кирувчи барча сув истеъмолчиларига тегишлидир, яъни бундай лойиҳалар муайян ҳудудга тегишли жамият бойлиги ҳисобланади.

Бундан ташқари, кўп ҳолларда ҳудудлар бўйича сув ресурслари бир текисда тақсимланмаган. Бундай шароитда магистрал, ҳўжаликлараро каналлар ва сув иншоотлари қуриш орқали сув етказиб бериш билан боғлиқ катта ҳажмдаги молиявий харажатлар талаб этилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, қурилган каналлар ва иншоотлардан олинadиган фойда сув истеъмолчилари учун уларнинг жойлашган еридан келиб чиққан ҳолда сезиларли даражада фарқ қилади. Ваҳоланки, ушбу каналларда сувнинг табиий ва техник йўқолиши нуқтаи назаридан каналнинг бошида жойлашган сув истеъмолчилари бошқаларига нисбатан устунликка эга бўлади. Яъни канал бошида жойлашган сув истеъмолчилари сувни ўз вақтида ва етарли ҳажмда олади. Шу жумладан, каналлар ва иншоотлар эксплуатация харажатларини молиялаштириш барча сув истеъмолчилари учун фойда келтиради.

Сув билан таъминлаш тизими билан бир қаторда, сув чиқариб ташлаш (зах чиқариш, нам қочириш ва бошқалар) соҳасини молиялаштириш муҳим аҳамият касб этади. Мисол учун оқова сувларнинг йиғилиб қолиши салбий экологик оқибатларга олиб келади. Бундай шароитда муаммоларни дренаж тизимини яратиш ва сув тежовчи технологияларга ўтиш (суғорма деҳқончиликда жуда долзарб ҳисобланади), молиявий маблағлар киритиш орқали ечиш мумкин.

Учинчидан, *аҳоли даромадлари ва урбанизация жарёнлари* билан боғлиқ хусусиятлар. Иқтисодиётнинг жадал саноатлашуви ва ишлаб чиқаришнинг юқори ўсиш даражаси урбанизация жараёнларининг жадаллашиши ва истеъмол даражасининг ўсишига олиб келмоқда. Ваҳоланки, аҳоли даромадларининг ўсиши озиқ-овқат истеъмол қилиш одатларининг кескин ўзгаришига сабаб бўлмоқда.

Жумладан, ривожланаётган давлатларда аҳоли даромадларининг ўсиши гўшт, парранда гўшти, сут, сариеғ каби ишлаб чиқариш жараёни кўп сув талаб қиладиган маҳсулотлар истеъмолини рағбатлантирмоқда. Ушбу жараён бугунги кунда “оқсил инқилоби” деб аталади ва бутун бир миллатнинг озиқ-овқат истеъмол қилиш одатлари ўзгаришини билдиради (FAO, 2004).

Сўнгги йилларда дунё аҳолисининг 55%дан кўпроғи шаҳарларда истиқомат қилмоқда ва ушбу урбанизация тенденциялари ҳам сув ресурсларига бўлган талабнинг

сезиларли ошиши, яъни шаҳарлардаги сув истеъмоли қишлоқ жойларга қараганда кўпроқ бўлишига олиб келмоқда.

Умуман олганда, инсонларнинг истеъмол қилиш одатларида унчалик ўзгаришлар юз бермаслиги керак, бироқ урбанизация жараёнлари ҳисобига, аксинча, жараён юз бермоқда, яъни шаҳарга кўчиб келган қишлоқ аҳолиси кўпроқ даромад топади ва шаҳар аҳолисининг урф-одатларини қабул қилади. Шунингдек, шаҳарларда хизматлар соҳасининг ривожланиши сувга бўлган талабнинг янада ошишига сабаб бўлади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида урбанизация даражаси 50,6%ни ташкил қилаётган бўлса-да, келажакда (2030 й.) бу кўрсаткични 60%га етказиш вазифаси стратегик мақсад қилиб белгиланган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасида урбанизация жараёнларини давлат томонидан самарали тартибга солиш, ер участкалари айланмаси ва улардан фойдаланишда замонавий бозор механизмларини жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони (2019) қабул қилинди.

Юқорида таъкидланганидек, дунё бўйича аҳоли даромадларининг ошиши ва урбанизация ҳисобига сув ресурсларидан фойдаланишдаги ўзгаришлар Ўзбекистон Республикаси шароитида ҳам кузатилиши мумкин. Бу эса келажакда Ўзбекистон Республикасида сув муносабатларини тартибга солиш ва тизимни молиялаштириш учун салоҳиятли бўғиннинг шаклланишига олиб келади.

Тўртинчидан, *аҳоли бандлиги* билан боғлиқ хусусиятлар бўлиб, унга БМТнинг сув ресурслари ва иш ўринларига бағишланган маърузасида атрофлича тўхталиб ўтилган. Жумладан, маърузада келтирилган таҳлилларга қараганда, дунё бўйича 1,4 млрд. иш ўринлари ёки дунёдаги иқтисодий фаол аҳолининг 42%и бевосита сув ресурсларига боғланиб қолган. Умуман олганда, дунё бўйича яратилган иш ўринларининг 78%и сув ресурсларига боғлиқ. Жумладан, маърузада сув ресурслари соҳасидаги иш ўринларининг қуйидаги учта функционал тоифага тегишлилиги келтирилган: сув ресурсларини мукамал бошқариш; сув ресурслари инфратузилмасини эксплуатация қилиш ва техник хизмат кўрсатиш, уларда иш ташкил қилиш; сув ресурслари соҳасида хизматлар кўрсатиш (Доклад, 2016). Шундай қилиб, сувнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш нуқтаи назаридан иш ўринларини яратишдаги аҳамияти беқиёс.

Бешинчидан, *“виртуал сув” концепцияси* билан боғлиқ хусусиятлар. Жумладан, ушбу концепцияга ўтган асрнинг 90-йилларида Аллан (2002) томонидан асос солинган бўлиб, унинг фикрича, *“виртуал сув”* – бу озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришда сарфланган сув миқдоридир.

Ушбу концепцияга мувофиқ, сув ресурслари чекланган мамлакатлар сув қиймати паст бўлган мамлакатлардан сув кўп талаб қиладиган маҳсулотларни сотиб олиши мумкин ёки керак. Шундай қилиб, сувдан фойдаланишда юқори самарадорликка эришилади.

Албатта, концепция қизиқарли, лекин фикримизча, амалиётда ушбу концепцияни амалга ошириш мамлакатларнинг ташқи иқтисодий сиёсати ва савдо шериклари билан алоқаларнинг қай даражада йўлга қўйилганлигига чамбарчас боғлиқ. Бироқ сўнгги пайтдаги эпидемия билан боғлиқ глобал иқтисодий инқироз шароитида бу концепцияни амалга ошириш имконияти янада пасаяди.


Олтинчидан, сув ресурсларининг энг асосий ва ҳаётий муҳим иқтисодий хусусияти бу – *сув ресурсларининг озиқ-овқат хавфсизлиги ва умумий овқатланишга таъсири* ҳисобланади. Ушбу масала бўйича озиқ-овқат ва озиқ-овқат хавфсизлиги масаллари бўйича юқори даражадаги экспертлар гуруҳи томонидан қуйидаги ғоялар ва ёндашувлар илгари сурилган (ГЭВУ, 2015).

Экспертлар озиқ-овқат хавфсизлиги ва умумий овқатланишга сув ресурсларининг таъсирини тадқиқ этиш долзарблигини дунё бўйича 70% ер ости ва ер усти сув ресурсларидан суғорма деҳқончиликда фойдаланилаётган ва айнан асосий қишлоқ

хўжалиги маҳсулотлари ва озиқ-овқат хом ашёси суғорма деҳқончилик ҳисобига тўғри келаётгани билан асослашади.

Сув ресурсларининг озиқ-овқат хавфсизлигига таъсири турли хил бўлиб, улар келажак ва ҳозирги авлодлар учун озиқ-овқат хавфсизлиги боғлиқ бўлган экотизим, жумладан, ўрмон, кўллар, ботқоқлик – сув ерлар асоси ҳисобланади. Умуман олганда, сув ресурслари ва озиқ-овқат хавфсизлиги ўртасидаги ўзаро уйғунликни белгиловчи омиллар қийидагилардан иборат (2-расм):

– ичимлик ва санитария нуқтаи назаридан истеъмол суви озиқ-овқат ҳисобланиб, унинг сифати ва мавжудлиги истеъмол суви учун муҳим мезон бўлиб, у турмуш ва гигиенанинг бошқа турларида ишлатиш учун жуда муҳим ҳамда соғлиқ ва тўйиб овқатланишни белгиловчи омил ҳисобланади;



2-расм. Сув ресурслари ҳамда озиқ-овқат хавфсизлиги ўртасидаги ўзаро уйғунликни белгиловчи омиллар (ГЭВУ, 2015)

– озиқ-овқат ишлаб чиқариш (деҳқончилик ва чорвачилик, балиқчилик), озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш (озиқ-овқат саноатидан бошланиб, уй хўжалиги билан тугайди) ва озиқ-овқат тайёрлаш (уй хўжалигида, шунингдек, умумий овқатланиш соҳаси) учун жуда муҳим. Ваҳоланки, юқорида таъкидлаганимиздек, дунё бўйича сув ресурсларининг асосий қисми (70%) бевосита суғорма деҳқончиликда, шунингдек, озиқ-овқат саноати ва озиқ-овқат тайёрлаш учун эса нисбатан камроқ сув ишлатилади;

– сув ресурслари саноат ва умуман олганда, иқтисодий ўсиш учун ҳам муҳим. Сувнинг қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлмаган соҳаларда ишлатилиши, даромадларнинг ошиши ва озиқ-овқатдан фойдалана олиш ҳуқуқининг яхшиланиши

озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун имкон яратади. Шундай бўлса-да, сув ресурслари учун рақобат озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга салбий таъсир қилиши, яъни бу, асосан, кичик хўжалик юритувчи субъектларнинг сувдан фойдаланиш имконияти ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда юзага келиши мумкин.

Хулоса ва таклифлар.

Шундай қилиб, сув ресурсларининг Ўзбекистон иқтисодиётидаги стратегик аҳамияти таъминлаш учун қуйидаги асосий чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- қишлоқ хўжалиги, саноат ва энергетикада сувдан оқилона фойдаланиш, йўқотишларни камайтириш ва самарадорликни ошириш;
- аҳолини тоза ва хавфсиз ичимлик суви билан таъминлаш, соғлом турмуш шароитини яратиш;
- сув ҳавзаларини муҳофаза қилиш ва ер деградациясини олдини олиш;
- замонавий суғориш усуллари, қайта ишлаш ва қайта фойдаланиш тизимини жорий этиш;
- трансчегаравий сув ресурсларидан адолатли фойдаланиш ва сув дипломатиясини ривожлантириш.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида келтирилган сув ресурсларининг мамлакат иқтисодиётидаги стратегик аҳамияти бўйича фикр-мулоҳазалар, сув ресурсларининг табиий ва иқтисодий хусусиятлари юзасидан ёндашувлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, сув – инсоният ҳаёти ва турмуш тарзини белгиловчи, иқтисодиёт тармоқларини ҳаракатга келтирувчи, мамлакатда иш ўринларини яратувчи энг кучли табиий ва иқтисодий восита, мамлакат иқтисодиёти барқарор ўсиши ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдаги стратегик аҳамиятга эга, алмаштириб бўлмайдиган табиий ресурс ҳисобланади.

Адабиётлар/Литература/References:

- Allan J.A. (2002) *The Middle East Water Question: Hydropolitics and the Global Economy*. L.: I.B. Tauris, P. 400. ISBN-13: 978-1860645822.
- Bakker K. (2007) *The “Commons” Versus the “Commodity: Alter-globalization, Privatization, and the Human Right to Water in the Global South // Antipode*. 39(3). P. 430–455. doi.org/10.1111/j.1467-8330.2007.00534.x.
- Barlow M. (2007) *Blue Covenant: The Global Water Crisis and the Coming Battle for the Right to Water*. P. 196.
- Briscoe J. (1997) *Managing water as an economic good: Rules for reformers*. *Water Supply* 15(4): P. 153–172.
- Falkenmark M., Widsrand C. (1992) *Population and water resources: A delicate balance*. *Population Bulletin*. 47(3). November. P. 36.
- FAO (2004) *Calorie Supply per Capita from Animal Products*. Food and Agriculture Organization of the United Nations (FAO), FAOSTAT on-line statistical service. (<http://apps.fao.org>). Rome: FAO.
- Grimble R.J. (1999) *Economic Instruments for Improving Water Use Efficiency: Theory and Practice // Agricultural Water Management*. № 40. P. 77–82.
- Librero.ru. (2011). *Водные ресурсы планеты*. [online] Available at: http://www.librero.ru/phenology/vodnye_recurcy_planety.
- McNeil D. (1998) *Water as an Economic Good*. / *Natural resource forum*. 22(4). P. 253–261.
- Mei Xie. (2006) *Integrated Water Resources Management (IWRM) – Introduction to Principles and Practices*. // *World Bank Institute*. (WBI), Oct. 13. -P. 15.

Perry C.J., Rock M., and Seckler D. (1997) *Water as an economic good: A solution, or a problem?* // Research Report 14. // Colombo, Sri Lanka: International Irrigation Management Institute. P. 25. ISBN 92-9090-351-1.

Savenije H.H.G. (2002) *Why Water Is Not an Ordinary Economic Good, or Why the Girl Is Special* // *Physics and Chemistry of the Earth*. 27. P. 741–744.

Веницианов Е.В. (2012) Вода для жизни — в мире и в России. Рационализация управления водными ресурсами в целях устойчивого развития / Е. В. Веницианов, В. Г. Пряжинская // *Экология и жизнь*. - № 12. - С. 72–76.

Гирусов Э.В. (1998) *Экология и экономика природопользования [Текст]* / Э.В. Гирусов и др. – М.: Закон и право, ЮНИТИ, – С. 455.

Гнипов А.В. (2012) Экономический феномен воды в современной системе хозяйствования. // *Социально-экономические явления и процессы*. № 11 (045), – С.74-77.

Голуб А.А. (1993) *Экономические методы управления природопользованием [Текст]* / А.А. Голуб, Е.Б. Струкова. – М.: Наука, – С. 136.

ГЭВУ, (2015) *Водные ресурсы и обеспечение продовольственной безопасности и питания. Доклад Группы экспертов высокого уровня по вопросам продовольственной безопасности и питания Комитета по всемирной продовольственной безопасности*, Рим, 2015 г. – С. 163.

Данилов-Данильян В.И. (2006) Потребление воды: эколог., экон., соц. и полит. аспекты / В.И. Данилов-Данильян, К.С. Лосев; Ин-т водных проблем РАН. – М.: Наука, – С. 221.

Доклад (2016) Организации Объединенных Наций о состоянии водных ресурсов мира за 2016 г. Водные ресурсы и рабочие места. Рабочее резюме. – С. 12.

Кодекс (2025) *Ўзбекистон Республикасининг Сув кодекси*. <https://lex.uz/docs/7655343>

Рио-де-Жанейро, (1992) Повестка дня на XXI век // Конференция ООН по окружающей среде и развитию, Рио-де-Жанейро, 3-14 июня. – С. 344.

Фармон (2019) *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 январдаги “Урбанизация жараёнларини тубдан ташкомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5623-сон Фармони*. <https://lex.uz/docs/4154818>.